

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари эндиликда ташаббусли бюджетлаштиради



“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида молиялаштириладиган тадбирлар юзасидан туман ҳокимлиги мажлислар залида Иқтисодиёт ва молия бўлими томонидан маҳалла раислари ва ҳоким ёрдамчилари иштирокида семинар ўтказилди.

Унда 2023 йилдан бошлаб “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари жамоатчилик фикри асосида “Очиқ бюджет” порталида овоз бериш йўли билан аниқланиши, бунда ҳар бир маҳаллада 8 млрд сўмдан ошмаган лойиҳалар пакети шакллантирилиши, овоз бериш ва ғолиб бўлиш жараёнлари, ҳар йил якунлари бўйича жамоатчилик фикри асосида лойиҳаларни шакллантириш билан боғлиқ жараёнларда фаол иштирок этган фуқаролар рағбатлантирилиши юзасидан батафсил маълумот берилди.